16 (450)
2005 йил 20 апрель
Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2
Ойбек ижоди — ўчмас маёқдир!
Ёвни қочирган Явқоч ота...

3
Ичкилик иймондан айирар...
Ҳимматли ҳунармандлар

4
Савиясизлик "мода"ми?!
Қирққизнинг тарихи қизиқ

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси Республика бошқаруви раёсат йиғилишида

ЧОРАК ЯКУНИДА

Куни кеча Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси республика бошқарувининг 2005 йил 1-чорак якунига доир кенгайтирилган раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви раиси А.Гадойбоев бошқарувнинг 2005 йил 8 февралдаги Пленуми йиғилиши қарори билан тасдиқланган, жорий йил учун мўлжалланган режа-тадбирлари ижроси, "Сиҳат-саломатлик йили" дастуридаги вазифаларнинг бажарилиши юзасидан жамғарма бўлим ва бўлинмалари томонидан 1-чоракда амалга оширилган ишлар хусусида маъруза қилди.

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Маҳаллаларимизда иссиқ нон узилмаган кун йўқ!..

Жумладан, маърузачи Наврўз байрами арафасида уюшқоқлик билан ўтказилган ободонлаштириш ойлиги ҳамда умумхалқ ҳашаридан тушган маблағлар маҳаллаларни ободонлаштириш, уларнинг инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларига ёрдам кўрсатиш, спортни оммалаштириш каби эзгу мақсадларга сарфлаётганлигини алоҳида таъкидлади.

— 19 март — умумхалқ хайрия ҳашарида 12 миллионга яқин фуқароларимиз иштирок этди, — деди А.Гадойбоев. — Ҳашар давомида ижтимоий жиҳатдан муҳтож оилаларнинг 2110,7 м.кв, яъни ўрта ҳисобда 42 минг 214 нафар оиланинг уй-жойлари таъмирлаб берилди.

Шунингдек, маърузачи йиғилиш кун тартибидаги иккинчи масала — "Сиҳат-саломатлик йили" давлат дастурининг 2005 йил 1-чорак давомидаги ижроси тўғрисида тўхталиб, жамғарма Республика бошқаруви, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар бўлими ва бўлинмалари томонидан давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда бир қатор ижобий ишлар амалга оширилгани — асосий эътибор одамларнинг ўз соғлиқларини асрашга маъсулият билан ёндошишларини тарғиб қилиш, аҳоли ўртасида тиббий маданиятни шакиллантириш, кексалар, ногиронлар ва кам таъминланган оилалар, шунингдек, кенг маҳалла аҳлининг саломатлигини мустаҳкамлашга кўмаклашиш, атроф-муҳитнинг ободонлигини, оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш мақсадида маҳаллаларда оммавий спорт турларини ривожлантириш каби йўналишларга қаратилганини қайд этди. Хусусан, Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 12 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги "Соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади" деб номланган маърузасининг мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш юзасидан фуқаролар йиғинларида, ўқув муассасалари ва меҳнат жамоаларида мунтазам равишда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди, 7020 дан ортиқ тадбирлар ўтказилди.

Бинобарин, 6 минг 346 нафар ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва бошқа тоифадаги фуқаролар тиббий реабилитация-ортопедик маҳсулотлар, дори-дармонлар билан таъминланди. Умуман, 1-чорак ҳисоб-китобларига кўра, бу даврда дастур ижроси бўйича жамғарма тизими орқали амалга оширилган жами сарф-харажатлар миқдори 1 миллиард 183 миллион сўмни ташкил этди.

Айтиш жоизки, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг юртимизда амалга ошираётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва бошқа соҳалардаги иштирокининг кундан-кунга ошиб бораётганлиги, "Маҳалла" жамғармасининг ташкилий ва амалий ишларига янгича ёндошиш талаб этилаётганлиги унинг Республика бошқаруви ҳамда бўлим ва бўлинмаларида ижро интизоми ва услубини қайтадан кўриб чиқиш ва такомиллаштиришни тақазо этмоқда. Ана шу талаблардан келиб чиқиб жорий йилнинг 11-13 апрель кунлари жамғарманинг Сирдарё вилояти бўлими фаолияти ўрганилди.

Давоми 2-саҳифада

ҚАШҚАДАРЁ /ЎзА мухбири А.Муҳаммадиев/. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги қарорига мувофиқ жойларда фуқароларни ҳарбий хизматга кузатиш ва кутиб олиш маросимлари давом этмоқда.

АСКАРЛАР УЙГА ҚАЙТМОҚДА

...Соат кечки ўн бирга яқинлашгани сайин Қарши темир йўл вокзалига тўпланган кишилар - ҳарбий хизматни ўтаб уйга қайтаётган аскарларни кутиб олишга чиққан ота-оналар, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари - баркашдек келадиган осма соатдан кўз узишмайди. Ниҳоят, Термиз-Тошкент йўналишидаги поезд вокзалга кириб келди. Вагонлардан бирин-кетин тушаётган азамат, ўктам йигитларнинг нигоҳлари оломон орасидан ўз яқинларини қидиради...

Мубораклик Қўчқор ака Орзиқулов ўғлини бағрига босар экан, кўз ёшларини яшира олмади.

— Ўғлим Дилшод билан фахрланаман, — дейди у. — Ҳарбий хизмат уни анча ўзгартирибди. Ҳақиқий йигит бўлибди ўғлим. Ундан доим кўнглимиз тўқ эди. Мактубларида армия ҳаёти, шарт-шароитлар, дўстлари, командирлари ҳақида ёзиб турарди.

— Нафақат жисмоний ва руҳий жиҳатдан чиниқдим, балки ҳарбий ва сиёсий билимимни ҳам оширдим, - дейди чироқчилик Азамат Шованов. — Хизматни аъло даражада ўтаганим учун биринчилардан бўлиб резервга бўшатилдим. Кеча ҳарбий қисмимизда тантанали кузатиш маросими бўлди. Бу ерда эса ота-оналаримиз билан бирга ҳарбийлар ва ҳокимият вакиллари кутиб олишди. Биз ҳар доим ҳукуматимиз эътиборида эканимизни ҳис қилиб турамиз.

— Резервга бўшатилган аскарларнинг дастлабки гуруҳини кутиб оляпмиз, — дейди вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи подполковник З.Шермамадов. — Бир неча кундан кейин бошқа гуруҳлар ҳам етиб келади. Кутиб олиш маросимларини тантанали, эсда қоларли қилиб ўтказишга ҳаракат қиляпмиз. Бу ишга Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлиги, ҳокимият органлари, маҳаллалар ва жамоат ташкилотлари жалб этилган.

Mahalla

— Яна нима дейди?

— Келинингиз тандирдан иссиқ нон узди, — дейди.

Мулоҳаза

МАҲАЛЛА ШАЪНИ

Уни ҳар бир маҳалладош ўйлаши, асраши лозим

Кишининг қандайлигини ҳеч ким у яшаб турган жойнинг одамларидан кўра яхшироқ билмайди. Шунинг учун ҳам ишга кириш, бошқа жойга кўчиб бориш ёки яна кўплаб ҳолатларда фуқародан яшаш жойидан маълумотнома ёхуд тавсифнома олиб келиш сўралади. Чунки, маҳалладан бериладиган ўша маълумот ҳам кўп нарсага ойдинлик киритади, унга яшаб турган жойида бўлган муносабатни билдиради. Лекин ҳамма ҳам ўша тавсифномаларда кўкларга кўтарилиб таърифлашга, бошқаларга ибрат қилиб кўрсатишга лойиқ кишилармикан?

Яқинда мақола тайёрлаш учун бир жиноят иши билан танишаётиб қизиқ ҳолатга дуч келдим. Айбланувчи гиёҳванд модда истеъмол қилгани ва сотгани учун жиноий жавобгарликка тортилаяпти. Унинг жинояти ўзининг айбига иқрорлиги, гувоҳларнинг кўрсатмалари билан тўла исботланган. Демак, энди унинг хатти-ҳаракатлари қонун талаблари билан баҳоланиб, жиноий жазо тайинланади. Аммо ҳайрон бўлганим — жиноят ишига оид материаллар орасида ўша фуқарога у яшаб турган маҳалла фуқаролар йиғини томонидан берилган ижобий тавсифнома ҳам бор экан. Қаранг, айбланувчи ўзи яшаб турган маҳаллада қонунга зид равишда гиёҳванд модда истеъмол қилган, сотган ва бунинг натижасида қўпчиликка, айниқса ёшларга ёмон таъсир ўтказган. Оиласи, маҳалласи шаънига доғ туширган. Маҳалла эса яна унинг "жамоат ишларида фаоллиги, ёшларга ўрнаклиги(!)" ни кўрсатиб тавсифнома берса, унга енгиллик беришни сўраса. Қизиқ, бу нима, жиноятчини кечиришми ёки рағбатлантириш?..

Тўғри, кечиримли, андишали халқмиз. Қоқилганни кўксидан итариб ташламаймиз, ёрдам бериб суяб қўямиз. Бироқ ҳаммасига бепарвогина қўл силтаб қўяверишимиз кейинчалик ёмон оқибатларга олиб келмасмикан? Маҳалла фаоллари қонунбузар маҳалладошларига енгиллик берилишидан умид қилиб, ижобий тавсифнома беришдан кўра, олдинроқ, яъни у шу йўлга кирганида қайтаришни ўйласалар яхши эмасмиди?

Шу фикрларимни бир оқсоқолга айтган эдим у куйиниб, гап бошлаб қолди:

– Ҳамма ҳам маҳалла, қўни-қўшниси шаънини ўйлайвермайди-да. Кўпинча ўз билганларидан қолишмайди. Бундай кишиларга маслаҳат бериб ёки хатти-ҳаракатларини муҳокама қилиб кўринг, "ўзимга-ўзим жавоб бера оламан, ҳаётимга аралашманглар" дейишади. Уларга гап уқтириш, тушунтириш ҳам бефойда, индамай кўя қоламиз. Бироқ айнан шундай кишилар маҳалланинг битта маълумотномаси, ижобий тавсифига муҳтож бўлганларида уялмасдан "ҳаммаси шунга боғлиқ, яхшилаб ёзиб беринг" деб келишади ёки яқинларини юборишади. Нима қилайлик, маҳалладошлик, ҳар куни кўз-кўзга тушади, шу билан ёрдамимиз тегадиган бўлса ёзиб берамиз-да.

Хўш, оқсоқол "маҳалладошлик"ни, "ҳар куни кўзнинг кўзга" тушушини ўйлаяпти. Нега ўша жиноятга кирган маҳалладош буни ўйламайди? Ахир у нега маҳалла обрўсини ўйламади?

Голиб ҲАСАНОВ

Андижон вилояти

СОЙНИНГ ЯНГИ БИНОСИ

Андижон шаҳридаги Сой маҳалласи фуқаролар йиғинининг янги биноси қуриб фойдаланишга топширилди. Унда маҳалла фуқаролар йиғини ходимларнинг унумли ишлашлари учун зарур шарт-шароитлар яратилган.

— Маҳалла идораси илгари эски мослаштирилган бинода жойлашган эди, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ботиржон Турсунов. — Вилоят ҳамда шаҳар ҳокимлигининг кўмаги, ҳомийларнинг ёрдами билан бир ой муддатда мана шундай ажойиб кошона қуриб битказилди.

Узоқбой САКСОНБОЕВ

СУРАТДА: маҳалланинг янги биноси.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

2005 йилнинг 1 майидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида

Республика аҳолисининг турмуш даражасини янада ошириш ва фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2005 йилнинг 1 майидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, олий ўқув юртлари талабаларининг, ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртлари ўқувчиларининг стипендиялари 1,2 баравар оширилсин.

2. 2005 йилнинг 1 майидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи — ойига 7835 сўм;

ёшга доир пенсиялар — ойига 15505 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нолинчи) разряд — ойига 7835 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 15505 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 9390 сўм миқдорида белгилансин.

3. 2005 йилнинг 1 майидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 мартдаги ПФ-3227-сонли Фармони билан уй-жой коммунал хизматларга ҳақ тўлаш бўйича ойлиқ компенсация пул тўловлари жорий этилган бюджет ташкилотлари ходимларидан айрим тоифаларининг иш ҳақи ўрта ҳисобда 1,35 баравар оширилсин ва мазкур компенсация тўловлари бекор қилинсин, жумладан мазкур Фармоннинг 1-бандига мувофиқ 1,2 баравар оширилсин, қолган қисми эса — бекор қилинадиган компенсация пул тўловлари ҳисобидан амалга оширилсин.

4. 2005 йилнинг 1 майидан бошлаб уй-жой коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича ойлик компенсация пул тўловлари энг кам иш ҳақига нисбатан табақалаштирилган миқдорларда бериладиган шахслар имтиёзли тоифаларининг янгиланган рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2005 йилнинг 1 майидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг мансаб маошлари миқдорини мазкур Фармондан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

7. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар Республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

8. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2005 йилнинг 1 майидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ ишлаб чиқариш самарадорлиги оширилган ва меҳнат сарфи камайтирилган тақдирда иш ҳақи миқдорини оширсин.

9. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 1 июлдаги ПФ-3450-сонли Фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 мартдаги ПФ-3227-сонли Фармони иловаси ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур Фармон матбуотда эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2005 йил 13 апрель

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида **060** рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Тахририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

«M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси тахририятининг меҳнат жамоаси.

АЗИЗ МУШТАРИЙ! ГАЗЕТАМИЗГА АЙНИ КУНДА ҲАМ ЙИЛНИНГ ҚОЛГАН ҚИСМИ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА. 2005 ЙИЛДА "Mahalla"СИЗ ҚОЛМАНГ!

ЧОРАК ЯКУНИДА

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Йиғилиш кун тартибдаги масалалар қаторидан ана шу масалалар муҳокамаси ҳам жой олди. Йиғилишда ушбу масала ҳақида сўз юритилар экан, жамғарманинг Сирдарё вилояти бўлими фаолиятида талайгина камчиликлар мавжудлиги, хусусан, вилоят ҳамда туман (шаҳар) бошқарувида кадрлар масаласи, яъни уларни танлаш, жой-жойига қўйиш, малакасини ошириш, ишни тўғри ташкил қилиш талаб даражасида эмаслиги таҳкид қилинди.

Шундан сўнг навбатдаги масала — Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 60 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир фикр-мулоҳазалар, амалий тавсиялар, йўл-йўриқлар хусусида сўз борди.

Жойларда иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва уларнинг оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш, "Сиҳат саломатлик йили" дастури ва Президентимизнинг шу масалага доир фармони моҳиятидан келиб чиққан ҳолда уларга тегишли мурувват ёрдамлари кўрсатиш, бу борадаги тадбирларни амалга оширишда "Маҳалла" жамғармаси имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш лозимлиги қайд этилди. Шу билан бирга жойларда қабристонларни обод қилиш, инсоният тинчлиги, осойишталиги ва келажаги учун курашиб ҳалоқ бўлган юртдошларимиз руҳини шод этиш, уларнинг кўрсатган жасорат ва фидойиликлари хусусида маҳалла жамоатчилиги ва ёшлар билан давра суҳбатлари ўтказиш айни муддаодир.

Тадбир сўнгида йиғилиш кун тартибидаги масалалар юзасидан Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси Республика бошқаруви раёсатининг ҳамда тадбир иштирокчиларининг фикр ва мулоҳазалари ҳисобга олинган ҳолда йиғилиш қарори қабул қилинди.

МУХБИРИМИЗ

Ойбек таваллудининг 100 йиллигиболдидан

Нурла йўғрилган умр хотиралари

Сўз санъати ихлосмандларини Ойбек ижоди ҳамиша ўчмас маёқ каби ўзига чорлаб келган ва бундай кейин ҳам шундай бўлиб қолиши шубҳасиз. Бу улкан ижодкорнинг муҳаббатини қозониб, илҳом берган, бир умр ҳамнафас, ҳамдард, ҳамфикр бўлган Зарифа Саидносирова умрининг сўнги йилларида "Ойбегим менинг" номли хотиралар китобини ёзди. Мазкур асар Ойбекнинг ҳаёти ва ижоди, шахсияти, баъзи асарларининг биографияси билан бирга XX асрнинг мураккаб адабий-сиёсий ҳаёти ҳақида ҳам қимматли маълумотлар беради.

Бу икки буюк ижодкорлар — Ойбек ва Абдулла Қаҳҳорни тақдир оқила ва зукко, ҳар ишда ҳамнафас бўла олувчи тақдирдошлар билан сийлаганди. Зарифа Саидносированинг "Ойбегим менинг", Кибриё Қаҳҳорованинг "Чорак аср ҳамнафас" китоблари адибларнинг муҳаббат изтироблари, ижод машаққатлари, кундалик турмуш тарзларини кўз ўнгимизда гавдалантиради.

Зарифа Саидносирова "Ойбегим менинг" асари қўлёзмасини 1986 йилнинг ёз ойларида таҳрир қилиб, нашр этишни сўраб адабиётшунос олим Наим Каримовга беради. Китобга ёзган сўз бошида муҳаррир: "Мен Зарифа опанинг хотираларини ўқир эканман, унда Ойбекнинг шахсий ҳаётинигина эмас, балки бир-бирига муносиб икки улуғ сиймонинг севги ва вафо достонини ҳам варақлагандек бўламан. Ва бу достон билан танишиш мени руҳан поклагандек, бойитгандек бўлади. Ўйлайманки, сиз, хурматли китобхонлар ҳам шундай хулосага, албатта, келасиз", — деб ёзади ва бу фикрларнинг тўғрилигига асарни ўқиб чиққач ҳар бир китобхон амин бўлади.

Наим Каримов "икки улуғ сиймо" деганда Зарифа опанинг биринчи ўзбек кимёгар олимаси, тасвирий санъат, мусиқа ва шеъриятни чуқур тушунадиган ҳамда бу соҳаларда ҳам иқтидорини бемалол намоён эта олган, замонасининг зукко аёли бўлганлигини назарда тутади. Зарифа Саидносированинг бундай мавқеларга эришишида аввал отаси, кейинроқ Ойбек билан турмуш қуриши катта рол ўйнаган.

"Ойбегим менинг" муаллифнинг болалик хотираларидан бошланган бўлиб, Зарифа опа Наим Каримовдан китобнинг бу қисмини эълон қилмай туришни сўраган. Бироқ хотиралар боби катта маърифий аҳамиятга эгалиги боис муҳаррир уни эълон қилишни лозим топган ва менимча айнан ана шу боблар китобнинг энг мароқли ўринларидан бири бўлиб, кейинги воқеаларни тушунишга анча ёрдам беради.

Зарифа Саидносирова асли туркистонлик бўлиб, отаси Саидносир Миржалилов ўқимишли, замонасининг янгича фикрлайдиган, тадбиркор ва тараққиётпарвар кишиларидан бўлган. Рус тилини яхши билган ва Россияда чиқадиган нашрларни мунтазам олиб турган. 1917 йилларда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий турли таъқиблардан яшириниб юрганида Саидносирбой уни уйига таклиф этади, бўш вақтларида қизларига адабиёт ҳамда, мусиқадан машғулотлар ўтказиб туришини илтимос қилади. Инқилобдан сўнг заводидан ажраб, Тошкентга келади ва бир неча муддат қолиб кетади. Билим олишга ёшлигидан қизиққан Зарифа отасига хат ёзиб, уни ҳам олиб кетишини ва шаҳар мактабларида ўқитишини сўрайди. Ана шу хат сабаб бўлибми ёки Саидносирбойнинг ўзида ҳам шундай ният бор эдими, ҳар ҳолда оиласини ҳам тез орада Тошкентга кўчириб келади. Фарзандларининг яхши таҳсил олишларини ўйлаб мактабга, шу билан бирга ўзбек адабиёти ва тарихидан ҳам бехабар қолмасликлари учун Навоий номидаги техникумга жойлаштиради, мусиқа, рангтасвирдан ҳам сабоқ олишларига шароит яратади. Зарифа опа ўз Ойбегини техникумда учратади. Ўша пайтда Ойбек "Тонг юлдузи" деворий газетасининг маҳаррири бўлиб, Зарифа опа расм солиб бериш ёки бирон нарса ёздириш учун унга тез-тез мурожаат қилиб турган ва шу кичинагина мулоқотлар оташин севгининг дебочаси бўлган. Уларнинг севги достонлари ҳам ўз табиатларига монанд беғубор ва романтик. Мактуб ёки шеър орқали қилинган дил изҳорлари, муҳаббат ғавғолари ва уларнинг қизиқарли тафсилотлари асарга алоҳида жозиба бағишлайди. Ойбек соф лирикасининг кўплаб гўзал намуналари ана шу ошиқлик даврининг маҳсулидир.

"Ойбегим менинг" китобига Ойбекнинг турли йилларда Москва, Ленинград, Сочи, Ялта ва бошқа жойлардан йўлланган мактублари ҳам киритилган.

Асардаги 1932-33- йиллардаги очарчилик, 37-йиллар қатоғони ҳақидаги воқеаларни ўқиб, халқимиз бошидан кечирган оғир кунлар кўз ўнгимизда гавдаланади. Эътибор берилса, шу йилларда адабий ва маданий, илмий соҳаларда муаллиф тилга олган илғор фикрли, зиёли кишиларнинг аксарияти қамоққа олингани ёки сургун қилингани ўзбекнинг нақадар катта йўқотишларга учраганини яна бир бор кўрсатади. Ойбек ва Зарифа опанинг шу йилларидаги машаққатли ҳаётлари, таҳликада ўтказган кунлари билан танишар эканмиз, иродали инсонларни ҳеч қандай қийинчилик эзгу мақсадларидан, танлаган йўлларидан қайтара олмаслигига ишонч ҳосил қиламиз. "Қутлуғ қон" ва "Навоий" романларининг яратилиши тарихини ўзиёқ бу ишончимизни янада мустаҳкамлайди. Ойбек ҳаётининг сўнгги йиллари — оғир хасталигига қарамай ижоддан тўхтамагани бу улуғ ижодкорга бўлган ихлосимизни орттиради.

Зарифа Саидносированинг "Ойбегим менинг" асари Кибриё Қаҳҳорованинг "Чорак аср ҳамнафас" китоби билан қиёсланса, жуда кўп ўхшаш жиҳатларга дуч келиш мумкин. Улар мураккаб замонада яшаб ижод қилган ва ҳар доим ҳам ҳукмрон мафкура талабларидан четга чиқиб кета олмаган буюк ижодкорларнинг фаолиятларига чалкаш баҳо бериш ҳолатларининг олдини олиши, ижодларини тўғри талқин этишга ёрдам бериши билан ҳам қимматга эга.

"Ойбегим менинг" китобини ўқимасдан ўзбек адабиётининг улкан чинорларидан бўлган Ойбек ижодини тўла тушуниш мумкин эмас.

Шаҳноза ЭРГАШЕВА,
Абдулла Қаҳҳор уй-музейи илмий ходими.

Бир қишлоқ таърифида...

Жиззах вилояти

Қадриятлар завол билмайди

Вилоятнинг ғарбий томонида, Самарқанд билан чегара жойида ернинг кенглик чизиғи ўтган. Хонимқўрғон номи билан машҳур бўлган бу жойлар ҳақида ривоятлар, афсоналар мавжуд. Айтишларига қараганда, Темурийлар давлати маликаси Бибихоним шу ерга келиб, зафар билан қайтаётган Соҳибқиронни қаршилар экан. Амир Темур унинг шарафига қирлар бағрида қўрғон барпо этиб, номини Хонимқўрғон деб аташга амр-фармон берибди.

Ғарчи ушбу қўрғон ҳозирга келиб йўқолиб кетган бўлса-да, унинг номи сақланиб келаяпти. Ғаллаорол туманидаги қишлоқ фуқаролар йиғини Хонимқўрғон деб аталади. Бу ерда ўтадиган замонавий байрамлар, сайллар ва бошқа маросимлар аждодларимиздан қолган қадимий удумлар, урф-одатлар билан уйғунлашиб кетади. Байрамларда уюштириладиган кўргазмаларда халқимизнинг миллий ҳунармандчилик ишлари намуналари намойиш этилади. Улар орасида XIX асрдан мерос қолган мис офтобалар, кўзалар, дастшуйлар, қурттова қилинадиган тол-товоқлар, хуржунлар, кадилар, барраклар, зеби гардонларгача бор... Ҳа, бу қишлоқнинг кишилари санъатга ошуфта инсонлар. Улар аждодлардан мерос бўлиб қолган ушбу буюмларнинг ҳар бирини кўз қорачиғидай асрайдилар. Қайси бир хонадонда бўлманг, тарих жонлангандек бўлади. Деворларни безаб турган гиламлар, рўйжалар кўзингизни олади.

— Биз қишлоқларимиздаги мавжуд бўлган ўтмиш намуналари акс этган махсус фотоальбом яратмоқчимиз, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Исомиддин Исмоилов.—Бунинг учун суратчи мутахассисларни жалб қилдик.

Қишлоқ фуқаролар йиғинида 3 та қишлоқ бор. Уларда икки мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Асосан деҳқончилик, чорвачилик маҳсулотлари етиштириб умргузаронлик қилаётган хонимқўрғонликлар жуда иноқ, меҳнаткаш. Улар яқинда боғ барпо этдилар. Атрофни ободонлаштирдилар. Маҳалла марказини жамоатчилик асосида, ҳашар йўли билан таъмирладилар. Бу ишларда ҳомийлар яқиндан ёрдам беришди.

Пардабой ТОЖИБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Ғар ўзингни ўйласанг...

Қорақалпоғистон Республикаси

Сарбиназда спортни севадилар

Қарийиб 300 минг аҳоли истиқомат қилаётган Орол бўйидаги энг йирик шаҳар Нукусда 38 та маҳаллалар (макон кенгеслари), шаҳарча типидаги фуқаролар йиғинлари аҳоли манфаатларини кўзлаб самарали юмушлар олиб бормоқда. Айниқса, кучли фуқаролик жамияти барпо қилиш йўлида дадил одимлар қўйилаётган айни пайтда уларнинг роли янада катта аҳамият касб этаётир.

Буни яхши тушунган Сарбиназ маҳалласи фуқаролар йиғининг кўп сонли фаоллари ўз фаолиятларини янада жонлантиришни асосий мақсад қилиб қўйишган. Бу ҳақда мазкур маҳалла (макон кенгеси) фуқаролар йиғини раиси Султонмурод Ўтамуродов қуйидагича гурунг беради.

— Маҳалламизда 8 миллат вакиллари истиқомат қилади. Бизнинг энг муҳим вазифамиз ҳам ана шу кўп миллатли аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш авлодни баркамол инсонлар қилиб тарбиялашда, аёлларни иш билан таъминлашда, оилаларда соғлом муҳитни вужудга келтиришда кўмаклашиш, аҳоли, айниқса ёрдамга муҳтож инсонларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, саломатлигини сақлашга аҳамият қаратиш ҳамда ҳудудимизда ободонлаштириш ишларини олиб боришдан иборат. Биргина мисол: Наврўзолди умумхалқ ҳашарида 3,5 минг туп дарахт кўчатлари ўтказилиб, барча кўчалар, хиёбонлар ободонлаштирилди. Айни кунларда маҳалла ҳудудида истиқомат қилувчи 3121 нафар хотин-қизлар яшаш шароитини яхшилаш, улардан 321 нафарининг ишсизлигини эътиборга олиб, ишбилармонлик ва тадбиркорликка кенг йўл очиш учун тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 22 нафар аёлларга нотижорат, нодавлат ташкилотлар ходимлари кредит олиш юзасидан ҳужжатлар тайёрлаш борасида амалий ёрдам бераяпти. Маҳалламиз ҳудудида спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаяпмиз. Айни пайтда ҳудудимизда жойлашган 4 та касб-ҳунар коллежлари, 3 корхоналардаги спорт заллари, ўйингоҳлар, замонавий спорт мажмуалари спортга иштиёқманд ёшлар ихтиёрида. Маҳалланинг футбол жамоалари турли мусобақаларда фаол қатнашиб келаётир.

Асилбек ИСКАНДАРОВ,
"Mahalla" мухбири.

Икки буюк матонат

Бу миллионлаб ўзбекистонликларнинг фронтдаги ва фронт ортидаги жасоратларида намоён бўлган эди.

Мамлакат ичкарисида уруш йилларида меҳнат қилган юз минглаб ватандошларимиз чеккан заҳматларни, кексаю ёш оналаримиз, опа-сингилларимиз қиш қаҳратонида дийдираб, саратон оловида ёниб, ўзи емасдан, ўзи киймасдан топган насибасини фронтга жўнатганини, азоб-уқубатлар чекиб, фидойилик кўрсатганини эсдан чиқариб бўладими?!

Ислом КАРИМОВ

Маълумки, Иккинчи жаҳон урушида иштирок этиб, фашизм устидан қозонилган ғалабага муносиб ҳисса қўшган ўзбекистонлик уруш қатнашчилари ва ногиронларга доимо ҳукуматимиз томонидан ғамхўрлик кўрсатиб келинади. Шу йилнинг 6 апрель куни имзоланган Президентимизнинг "Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 60 йиллиги нишонланиши муносабати билан 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронларини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармони ҳам ана шу эзгу мақсадларга қаратилган. Бу фармон айни пайтда ўша қирғин-барот жанглардаги ўзбек халқи кўрсатган жасоратнинг эътирофи ҳамдир.

Тарихий маълумотларда қайд этилишича, урушда Ўзбекистон фарзандлари бевосита жасорат кўрсатгани ҳолда. Фашизмни тор-мор келтиришда деҳқонларимизнинг фронт ортидаги хизмати ҳам катта бўлди. Уруш бошланиши билан Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги олдига фронт ва мамлакат ичкарисини қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотлари, саноатни хомашё билан барқарор таъминлаш вазифаси кўндаланг қилиб қўйилди. Чунки ғалла ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириладиган ҳудудларни душман босиб олган бўлиб, бу вазифа энди Ўзбекистон ва бошқа Ўрта Осиё республикалари зиммасига юкланган эди.

Вазиятнинг мураккаблигига қарамасдан, халқимиз ўз жангчилари ҳақида ўйлади. Айниқса, ўзбек пахтакорларининг фронтдаги юртдошларига йўллаган мактуби жангчиларга қанот бағишлади. Улар аскарларга қарата шундай хат ёзишган эди: "Уруш майдони биздан бир неча минг километр нарида бўлса ҳам, тўп ва автоматларнинг овози бизга эшитилиб турибди. Бу тўп ва автоматлардан отиш учун бизнинг пахтамиз керак. Армиянинг яхши, иссиқ кийинган жангчи ва командирларини кўриб турибсиз. Уларнинг кийим-бошлари учун ҳам бизнинг пахтамиз керак. Ярадор бўлган жангчиларга меҳр-шафқат кўрсатиб, унинг ярасини боғлаётган ҳамширани ҳам кўриб турибмиз. Унинг қўлидаги дока ҳам бизнинг пахтамиздан тўқилган. Биз барча пахтакорлар республикаларини фронт учун кўпроқ пахта беришга чақирамиз". Кўриниб турибдики, Ўзбекистон пахтасига бўлган эҳтиёж юқори бўлган. Бунинг ортида эса оғир машаққатлар турар эди. Бу сўзлар меҳнаткаш ўзбек халқининг дилсўзи эди.

Уруш сабабли Ўзбекистонда меҳнатга яроқли аҳолининг сони қисқариб кетди. Республика бўйича 1941-1942 йилларда Ўзбекистонда меҳнатга яроқли колхозчиларнинг сони 20 фоизга, 1945 йилга келиб, 40 фоизгача қисқарди. Лекин шунга қарамасдан, ўзбек халқи уруш йилларида халқ хўжалигининг барча тармоқларида шижоат билан меҳнат қилди. Жумладан, қашқадарёликлар давлатга жами 158650 тонна пахта, 17661 минг пуд ғалла, 15563,4 тонна гўшт ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан бирга, жуда кўп миқдорда пул, кийим-кечак етказиб бердилар. Бу ўз-ўзидан бўлмаган эди. Уруш эҳтиёжлари учун сарфланган бу маблағлар аҳолининг турмуш даражасига катта таъсир этиши билан бирга, қишлоқ хўжалиги ривожига ҳам катта зарар келтирган эди.

Ҳар бир хонадонга ёпирилиб кирган уруш қабоҳати одамларни оғир синовларга, маҳрумликлар ва азоб-уқубатларга мубтало қилди. Шаҳарда ишчилар ва хизматчилар кунига 400-500 граммдан, қарамоқдагиларга эса 300 граммдан нон бериш белгиланган эди. Амалда эса белгиланган меъёрдан кам олишар эди.

Ўзбекистон деҳқонлари қийинчиликларга қарамасдан, фидокорона меҳнат қилдилар. Уруш йилларида республика деҳқонлари фронт эҳтиёжлари учун 4 миллион 148 минг тонна пахта, 82 миллион пуд ғалла, 54067 тонна пилла, 195 минг тонна шоли, 57 минг 444 тонна мева, 36 минг тонна қуритилган мева, 159 минг 300 тонна гўшт 300 тонна жун ва бошқа кўпгина маҳсулотлар етказиб берди.

Шунингдек, республика корхоналари 34 хил маҳсулот чиқариб, 1941-1945 йиллар мобайнида жангчилар учун 7518,8 мингта гимнастёрка, 2636,7 мингта пахтали нимча, 2861,5 мингта армия этиги ва бошқаларни тайёрлаб бердилар.

Ўзбек халқи ғалабани тезроқ таъминлаш учун ҳеч нарсани аямади. Фронт ортида оғир ва машаққатли меҳнат қилди. Ўзи емасдан, ўзи киймасдан фронтни керакли ашёлар билан таъминлади. Ана шу бемисл машаққатли дамлар ортда қолди. Бу йил Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 60 йиллиги юртимизда ҳам кенг нишонланади. Маълумотларга қараганда, бугун юртимизда яшаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари 34 минг 721 нафарни ташкил этади. Уларнинг 22 минг нафардан зиёдроғи ногиронлардир.

Айни пайтда, ўтмишнинг аччиқ сабоқларидан хулоса чиқариш, ўша суронли йилларда жасорат кўрсатган ҳамюртларимизни хотиралаш ва сафимизда бўлганларни қадрлаш ҳаммамизнинг инсоний бурчимиз эканлигини унутмаслигимиз керак. Зеро, Президентимизнинг 6 апрелдаги Фармони ҳам бу борадаги эзгу мақсадларимиз рўёбига қаратилган муҳим ҳужжат бўлди.

Ҳаким АЗИМОВ,
Тош ДЮИ ўқитувчиси, тарих фанлари номзоди.

Хоразм вилояти

Хонқа туманидаги Сорапоян қишлоғидан Иккинчи жаҳон урушида қатнашган йигитлар сони мингтадан ошади. Ҳозирда уларнинг ўн бир нафари ҳаётлар. Уруш қатнашчиси 87 ёшли Явқоч Абдуллаев фарзандлари ва қишлоқдошлари ардоғида кексалик гаштини сурмоқда. Отахон жанговор хизматлари ва урушдан кейинги бунёдкорлик меҳнатлари учун қарийб 22 марта мукофотланган.

СУРАТДА: Явқоч ота турмуш ўртоғи Жумагул она билан невараларию чеваралари даврасида.

Қадамбек ОТАЕВ олган сурат.

Ўйлашадиган ўй...

ҚАДАҲ АЙЛАНАЁТГАН ДАВРАЛАР

Бойқўзи бугун энг кенжа қизининг тўйини ўтказмоқда. Қариндош-уруғлар, ўғиллар "ҳеч бўлмаса бугун ичманг, келган меҳмонларни ёруғ юз билан кузатиб қўяйлик" деганларига қарамай эрталабдан ичиб олди. Ичмаса бўлмайди, шунга ўрганиб қолган. Даволаниб ҳам кўрди, йўқ, иродаси етмади, ҳар сафар уч-тўрт кун сабр қилиб, яна ичиб кўяди.

У тўй куни ҳам ҳовлида тинмай юрар, дам бу ишга, дам у ишга арлашаверарди. Наҳорги ош тарқаб, энди хотин ошига тайёргарлик кўриш бошланганида Бойқўзи анчагина алжираб қолди. Ҳамма хижолат, маст одамнинг қилиғи ҳам ёқимсиз бўлади-да. Катта ўғил Неъматнинг боши қотган, дадасини шунча дам олиб ётинг, деб уннаса ҳам унамас, ётқизиб кўйган жойидан туриб кетаверар, қозон бошига, аёллар ўтирган жойга бориб ўзи билан ўзи алжирайверди. Охири бўлмади, хотинининг укаларидан бири — Эргаш қайниси "Э, почча, ёш бола ҳам бунчалик эркалик қилмайди" деб уни омборхонага олиб кирдида, қўл-оёғини арқон билан боғлаб қўйди. Омборхонадан чиқиб "поччамни ётқизиб қўйдим, бироз ўзига келса уйғотасиз", деган гапига биров қулоқ солди, биров қулоқ солмади. Ҳамма ўз иши билан овора эди.

Қош қорайиб, келинни карнай-сурнай билан кузатишди ҳам ҳеч кимнинг эсига тўй эгаси Бойқўзи келмади. Сингилларини кузатган ака-укалар, қайнилар тўйдан чарчаб, ҳовлидаги супада 2-3 та шишани бўшатишиб, донг қотиб ухлаб қолишди.

Эрта тонгда уйғонган катта ўғил боши гангисираб тураркан, бирдан ёдига дадаси келди. Югуриб омборхонага кирса, дадаси осмонга қараб ётар, лекин танаси муздек эди. Унинг оёғидан арқонни ечиб "дада туринг, тонг отди, уят бўлади бу ерда ётишингиз" деб қанча уринмасин ундан садо чиқмади. Энгашиб кўкрагига қулоғини тутди, отасининг юраги урмасди.

Ўғил додлаб юборди, югуриб бориб супа четида турган тоғасининг ёқасидан олди: "Дадамни сен ўлдирдинг!"

Ўртада катта тўпалон бошланиб кетди. Ким тоға тарафда, ким ўғил тарафда. Хуллас, қаттиқ жароҳатланган тоғани машинада касалхонага, катта ўғилни эса ички ишлар бўлимига келтиришди.

Бу аянчли воқеа юз бермаслиги ҳам мумкинмиди? Албатта мумкин эди, агар орага ичкилик деган ярамас иллат қўшилмаганида.

Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтиш керак. Ўзбекнинг нимаси кўп, тўйи кўп, йиғини кўп. Лекин бирон тўйнинг ёки йиғиннинг ичкиликсиз ўтганини эслай оласизми? Мен эслай олмайман. Дастурхонга ҳатто қуш сутини ҳам қўйинг, лекин битта "бўйни узун"дан бўлмаса меҳмондан олдин ўзингиз хижолат тортасиз, тўғрими? Нега? Нега биз буни одатга айлантириб юбордик? Нега бу оғунинг қанча-қанча оилаларнинг бузилишига сабаб бўлаётганини кўриб, қанча одамларнинг шу туфайли соғлиғини йўқотаётганлигини билиб, келажак авлодимиз ҳаётига катта хавф солаётганлигини сезиб ҳам хулоса қилмаймиз, мулоҳаза юритмаймиз.

Баҳсталаб бу гапларни шарҳлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ деб ўйлайман. Ичма деган билан ичувчиларни йўлдан қайтариб бўлмайди. Ичаман дегани барибир ичади. Бу ярамас одатнинг ёшларимиз ўртасида камайиш ўрнига кўпайиб бораётганлиги эса ҳаммамизни сергак торттириши керак.

Яқинда бир дўстимиз ўзининг 50 йиллигини нишонлади. Дастурхонга барча нозу неъматлар қўйилган, яхши санъаткорлар таклиф этилган. Табриклар, қутловлар кетма-кет бўлиб турибди. Буни қаранг-ки, дастурхонга ҳеч ким иштаҳа билан қарамайди. Аввал суюғи, сўнг эса ош тортилди. Одамлар ҳар иккаласини тановвул қилиб бўлгач, 3-4 та бўлиб тарқай бошлади. Тантана икки соатга ҳам етмай тугаб қолди. Дўстимиз мени бир четга тортар экан "агар ароқ қўйганимда 3-4 соат ўтиришар экан, хато қилдим шекилли" деб қолди. Мен уни юпатиб "одамлар ҳушёр пайтда сиз ҳақингизда кўп яхши гапларни эшитди, ҳеч бўлмаса юзтадан ўнтаси сизга яна ҳам яқин дўст бўлди", дедим. У менга қараб "қайдам" дегандек елка қисди.

Давраларда ичкилик ҳақида гап борар экан, маҳаллаларда аёлларимиз ўтказаётган турли "гап-гаштак"лардаги ҳолатлардан ҳам кўз юма олмаймиз. Аёллик лутфи қолиб, ичиб олиб ҳар хил гапларни алжираётган давраларни кўриб ёқа ушлайсиз. Шундай давраларнинг бирида мастлик билан ёқа олишиб, бир-бирларига тан жароҳати етказиб, охири судланган икки аёл тақдири кимга ўрнак бўлишини билолмай гарангман. Маст бўлиб келган онасини кўриб боланинг кўнглидан нима кечади, турмуш ўртоғи ўзини ожиз сезмайдими? Тўғри, бундайларнинг сафи жуда оз, илойим кўпаймасин. Лекин, давраларда қадаҳ айланаётгани бор гап.

Ичкилик инсонни инсофдан, иймондан айиради, маҳалладан чиқаради, рўзғордан баракани қочиради. Фарзандлар тарбиясига таъсир қилади, авлодлар баркамоллигига путур етказади. Бу гаплар янгилик эмас. Бу ҳақда кўп ёзилган. Қулоққа олган олади, олмаган йўлидан қайтмайди. Нима бўлганда ҳам, астасекинлик билан бўлса-да тўйларимиздан, давраларимиздан бу оғуни сиқиб чиқаришимиз керак. Амалга ошириб бўлмайдиган иш йўқ дунёда, фақат кўпчилик бир бўлсак ниятга етамиз, шундай эмасми?

Ҳамид НОРҚУЛОВ

Хоразм вилояти

ХИВАДА ЯНГИ КОШОНА

Яқинда Хива шаҳридаги кўркам тўйхоналар сони яна биттага кўпайди. Янгиҳаёт маҳалласида саховатпеша инсон Саъдулла Абдуллаев ҳомийлигида бунёд этилган бу ажойиб қўшқаватли кошона худди Хива ҳуснидаги холга менгзаб кетади.

Тўйхонанинг очилиш куни Саъдулла Абдуллаев ўзининг ва умр йўлдоши Саломат онанинг 60 ёшга тўлиши, биргаликда аҳил турмуш кечираётганлигига 40 йил тўлиши муносабати билан маҳалладошларига дастурхон ёзиб, ош беришди.

Саъдулла ака ёшлар ташкилотларида, Ичонқалъа музейқўриқхонасида ишлади. Умр йўлдоши Саломат опа эса узоқ йиллар савдо соҳасида ишлаб ҳурмат қозонди. Айни пайтда улар уч ўғил, икки қиз, ўнга яқин ширидан-ширин неваралари ардоғида. Бу оила жамиятимизга келтираётган нафи, бева-бечора, етим-есирлар, ногиронларни бошини силаши билан бутун маҳалладошларига ибрат бўлиб келишяпти. Яхши ният билан қурдирган тўйхонаси эса маҳалладошлари учун чинакам бахт-иқбол кошонаси бўлди.

Абдулла САФОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

СУРАТДА: Тўйхонанинг умумий кўриниши.

Сихат-саломатлик йили

Сурхондарё вилояти

СУРХОН СОҲИЛИДА

Термиз шаҳридаги Сурхон соҳили маҳалласи ташкил топганига яқинда тўрт йил тўлади. Ҳудудда қисқа давр мобайнида кенг кўламдаги ободончилик ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бунинг боиси бор албатта. Биринчидан, маҳалла фуқаролар йиғини раиси Умида Норбоеванинг ташкилотчилиги, тиришқоқлиги, тадбиркорлиги, иккинчидан, "Сурхонирқурилиш" трести, "Сурхондарёавтойўл" давлат акционерлик бирлашмаси, Термиз улгуржи чакана хўжалик ва маданий моллар матлубот савдо шуъба корхонаси, "Нурафшон" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти каби вилоятда етакчи ҳисобланган корхона-ташкилотларнинг Сурхон соҳили ҳудудида жойлашганлиги натижасида маҳалланинг иқтисодий, маданий-маърифий соҳалардаги юксалиш жараёни тезлашди, аҳоли ижтимоий муҳофазасига эътибор кучайди.

Айни пайтда маҳаллада яшовчи аҳолининг кўпчилиги ана шу корхона ва ташкилотларда меҳнат қилади. Қолаверса, мазкур ташкилотлар ҳудудда ўтказиладиган хайрли тадбирларга ҳам ҳомийлик қилмоқдалар.

Дарҳақиқат, маҳаллада ҳар бир эҳтиёжманд инсон ҳисобда. Уларга турли байрамлар муносабати билан моддий ва маънавий ёрдам бериб борилади. Айниқса, кекса авлод вакиллари алоҳида эҳтиромда. Ўтган йилларда "Сурхондарёавтойўл" давлат акционерлик бирлашмаси томонидан маҳалла ихтиёрига 1 гектар ер майдони ажратилган эди. Ана шу майдонда маҳалла фуқаролар йиғини ташаббуси ҳамда тадбиркор, ҳомийларнинг кўмаги билан "Нуронийлар боғи" барпо этилди. Боғда 450 тупдан зиёд мевали дарахтлар парваришланаяпти. Айни пайтда бу ерда нуроний отахон ва онахонларнинг ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар муҳайё. Ундан ташқари бу сўлим гўшада тез-тез хайрия тадбирлари, қизиқарли учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиб турилади.

Маҳаллада аҳолининг ижтимоий фойдали меҳнат билан бандлигини таъминлаш мақсадида фуқароларга хизмат кўрсатиш пункти ташкил этилган. Бу ерда шаҳар меҳнат ва ижтимоий бандлик бўлими билан ҳамкорликда фуқаролар ишга жалб этилаяпти.

Шунингдек, фуқароларнинг коммунал тўловларини ўз вақтида тўлашларига эришишда маҳалла ходимлари ва фаолларининг хизмати катта бўлмоқда. Натижада аввало тўлов тушумларини ўз муддатидан кечиктирмай ундиришга эришган маҳалла умумий тушумнинг маълум фоизини банкдаги ўз ҳисоб рақамига ўтказиб манфаатдорликка эришаётган бўлса, иккинчи томондан тушумлар давлат бюджетини тўлдиришга хизмат қилаяпти.

Маҳалла қошида ташкил этилган "Келин-куёвлар университети"да ёш оилалар учун турли мавзуларда суҳбатлар уюштирилмоқда. Қолаверса, маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда спортни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратаяти.

— Маҳалламиздан юртимизга ва дунёга машҳур спортчилар етишиб чиққанидан фахрланамиз, — дейди маҳалла йиғини раиси У.Норбоева. — Жумладан, спортнинг каратэ тури бўйича икки карра жаҳон чемпиони, мутлақ вазнда Осиё ва Республика ғолиби, "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устаси" Азаматали Қаландаровнинг эришган ютуқлари маҳалла ёшларининг спортга нисбатан меҳрини янада оширмоқда. Унинг издошларидан бўлган каратэ бўйича Республикада кумуш медаль соҳиби Лола Умарова, Барно Халиловаларнинг ҳам муваффаққиятларидан қувонамиз. Айни пайтда Барно Халилованинг ташаббуси билан ҳудудимиздаги 12- умумтаълим мактабида ташкил этилган спорт клубида бир қатор иқтидорли ёшлар машғулотлар олиб бормоқдалар. Бинобарин, теннис бўйича Республикадаги нуфузли мусобақалар ғолиби Г.Қурбонова, миллий кураш бўйича ўсмирлар ўртасида республика чемпиони Б.Қувватовлар маҳалла ёшларига ўрнак.

Демак, кўриниб турибдики, Сурхон соҳилида соғлом авлодлар камол топаяпти. Ана шу шарафли ва масъулиятли ишни амалга оширишда маҳалла фуқаролар йиғини ходимларининг ҳиссаси катта бўлаётгани қувонтиради кишини.

Омон ШУКУРОВ,
"Mahalla" мухбири.

Фарзандлар тарбиясига аввало ота-оналар масъул. Бугун маҳалла ходимлари орасида маҳалла ёшлари тарбиясига уларнинг ота-онасидек жонкуярлари кўплаб топилади.

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Жиззах вилояти

ЯНГИОБОДнинг ОБОД ТУРМУШИ

Янгиобод тумани ҳудудидаги, яъни вилоят марказидан 120 километр узоқликда жойлашган, қўшни Тожикистон республикаси билан чегарадош ҳудудларда маҳаллаларнинг фаолияти айниқса диққатга сазовордир.

"Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмасига Ғайбулла Исмоилов раҳбарлик қилиб келмоқда.

— Аҳолини ижтимоий фойдали меҳнат билан таъминлашга алоҳида эътибор бераяпмиз, — дейди Ғайбулла Исмоилов. — Ҳудудимизда ишчи ўринлари учун кичик корхоналар, маданий-маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари, халқ ҳунармандчилик устахоналари етарлича мавжуд. Аҳолини ижтимоий фойдали меҳнат билан таъминлайдиган идоралар билан ҳамкорлик қилиб, ёшларни ишга жойлаштиришга муваффақ бўлмоқдамиз. Бу ишларда бизга фуқаролар йиғинлари раислари, маслаҳатчилари ва фаоллари мададкор.

Туманда асосан чорвачилик маҳсулотлари, хусусан, жун кўп тайёрланади. Хом ашёдан тайёр маҳсулот — гилам, олача, жулқурс, поёндоз, хуржун, кигиз каби рўзғорбоп ашёматолар тайёрлаш йўлга қўйилгани аёлларнинг уй шароитида ишлашлари учун имкон туғдираяпти. Бу маҳсулотлар бозорга чиқарилмоқда, буюртма асосида қўшни туман ва вилоятларга ҳам сотилмоқда. Айни пайтда ана шундай фаолият билан машғул бўлган хотин-қизлар сони 200 нафардан ошиб кетди.

Пардабой ТОЖИБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Фарғона вилояти

ДЕГРЕЗЛИКнинг ҲУНАРМАНДЛАРИ

Қўқон шаҳридаги Дегрезлик маҳалласи аҳли азалдан ҳунармандчилик соҳасидаги ютуқлари билан эл орасида ном чиқарган. Маҳаллада яшаётган қарийб 4 мингга яқин аҳолининг кўпчилиги темирчилик, тандирчилик, чеварлик билан шуғулланади, ҳар хил ширинликлар тайёрлайди.

Абдукарим ота Абдураҳмоновни темирчиликнинг пири дейишарди. У ясаган кетмон, теша, болта ва бошқа уй-рўзғор буюмлари водийда машҳур эди. Ота 2003 йилда 97 ёшида вафот этди. Бугунги кунда унинг касбини ўғиллари Абдурасул, Абдуғани, Абдурашидлар давом эттиришмоқда.

Мадаминжон Икромов томонидан тайёрланган тандирларга талаб ҳамиша катта эди. У 70 йиллик ҳаёти давомида бу ҳунарни ардоқлаб келди. Ота вафотидан кейин бу ишни унинг ўғиллари Раҳматжон, Раҳимжон ва Муҳитдин Икромовлар давом эттиришяпти.

Акмалхон Акбаров отаси изидан бориб, ҳолва ва нишолда тайёрлашда ном чиқарди. Бу ишда унга турмуш ўртоғи ва қизлари доимо ёрдам беради. Тўн тикишда Дилоромхон ва Оминахон Мадраҳимовалар, дўппи тикишда Зулфияхон ва Маҳбубахон Бадалбоевалар, чеварчиликда Маҳфузахон Марозиқова, Одинахон Мамажоновалар олдига тушадигани йўқ. Элак, чакич, супра ва ғалвир тайёрлашда Ашурали Мамажоновлар оиласи машҳур.

Ҳунарманд ва тадбиркорлар маҳалладаги барча юмушларда фаол қатнашадилар. Ҳайит ва байрамлар муносабати билан ўтказиладиган тадбирларга, кам таъминланган оилаларга, ногиронларга, етим-есирларга ёрдам беришади. Ўтган Меҳр ва мурувват йилида улар ёрдами билан маҳалла идораси учун беш хонали бино қурилди. Бир ярим километр масофага табиий газ қувурлари тортилди. Маҳалла учун "Газ—53" маркали юк машинаси сотиб олинди. Бу хайрли ишларда ҳунармандлар билан бир қаторда Наримонжон Паттоев, Мўйдинжон Ўринбоев, Мўминжон Мамажонов, Омонжон Қодиров, Турсунали Дўлтабоев сингари саховатпеша тадбиркорлар ҳам фаол иштирок этдилар.

Тадбиркор ва ташаббускор инсон Ғуломжон Эргашев икки йилдан буён маҳалла фуқаролар йиғинига раислик қилаётган бўлса, Норхон Олимова 25 йилдан буён котиба бўлиб ишлайди. Диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Саноатхон Фозилова фаол аёллар иштирокида тўплаб маҳаллада таълим-тарбия ишларини йўлга қўймоқда. Ўғрилик, жиноятчилик ва қонунбузарликларнинг олдини олишда маҳалла милиция таянч пункти профилактика инспектори Қодиржон Ҳайдаров, посбонлар сардори Муҳитдин Ҳусановнинг хизмати катта.

Маҳаллада ишсизлик муаммоси йўқ ҳисоби. Ҳар бир муаммо 11 та кўчабошилар ва фаоллар билан бамаслаҳат ўз вақтида ҳал қилинмоқда. Шу боис маҳалла вилоят ва шаҳар миқёсида ўтказилган "Энг намунали маҳалла", "Энг обод ва озода маҳалла" ва бошқа кўрик-танловларда доимо юқори ўринларни эгаллаб келаяпти.

Қодир ШОДМОНОВ,
"Mahalla" мухбири.

Тозакорлик — саломатликдир

ТУГАЛЛАНМАГАН БИНО...

ёки шу баҳона озодалик хусусидаги фикрлар

Бировнинг остонасидан ҳатлаб ҳовлисига қадам ранжида қилсангиз, у ерда гўзаллик уфуриб турган бўлса, беихтиёр қувониб кетасиз. Ҳовли саҳни турли хил чиқинди ва ахлатлар билан ифлосланиб ётган бўлса-чи, бундан кўнглингиз ранжийди.

Жума шаҳридаги Самарқанд маҳалласининг Темурмалик номли кўчаси қоқ марказида жойлашган фуқаро М.Абдураҳмоновага тегишли бўлган уй тўққиз йилдирки қурилиши тугалланмаган ҳолда "савлат тўкиб турибди". Қурилишнинг шунча вақтда тугалланмаганлиғига қонун-қоидаларимиз қандай қарайди? Бу бошқа бир мавзу. Ҳозирча гап бунинг оқибатидан келиб чиққан бошқа ҳолат ҳақида. Хонадон ҳовлиси девор билан ўралмагани учунми Миршарапов номли, Фаробий номли, Ойбек номли ҳамда, Олмазор кўчалари аҳолиси муттасил равишда бу ерга турли хил ахлат ва чиқиндиларни ташлаб келишаётир. Қишнинг совуқ кунларида моғор босиб ётган чиқиндилар баҳор келиши билан теварак-атрофга бадбўй ҳид тарата бошлайди. Ахлатхонага айланган ҳовлига ташланган ит, мушук ва қорамол ўликлари ҳам атрофни ифлослаштириб келаётир.

Маҳалла фуқароларининг таъкидлашича, улар бу масала юзасидан бир неча маротабалаб хонадон эгаси М.Абдураҳмоновага ҳам, маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ч.Эргашевга ҳам мурожаат қилганлар. Ҳатто ўтган 2004 йилнинг 13-14 март кунлари ҳашар йўли билан ҳовли чиқиндилардан тозаланган. Аммо қаровчисиз бўлгач, бу жой яна ахлатлар билан тўлиб кетган.

— Кунлар исиб кетгач, ахлат уюмидан таралаётган ҳидга чидаб бўлмай қолади. Айниқса, бу ҳолат одамлар соғлигига жиддий хавф туғдираётгани ачинарлидир, — дейди шу маҳаллада яшовчи.

— Бу муаммони ўрганиб чиқдик, — деди туман табиатни муҳофаза қилиш инспекцияси ходими Узоқ Исматов. — Маҳалла оқсоқоли Чинмирза Эргашев туман уй-жой қурилиши бўйича масъул бошқарма билан шартнома тузилганлигини тан олди. Бироқ, чиқинди ва ахлатларни чиқариш учун маблағ топилмаётганлигини рўкач қилиб, масъулиятни ўзидан соқит қилди. Уй-жой коммунал қурилиш бошқармаси бошлиғи Неъмат Остонов эса техникалари учун ёқилғи йўқлигини, маҳалла фуқаролар йиғини шартномага кўра бирор сўм ҳам маблағ ўтказмаганлигини таъкидлаб, М.Абдураҳмоновага тегишли бўлган ҳовлини тозалашдан бош тортди. М.Абдураҳмоновани эса негадир тўққиз йилдан буён қурилиши тугалланмаган уйидаги аҳвол асло қизиқтирмайди.

Уй эгаси ҳам, маҳалла фаоллари ҳам, туман коммунал хўжалик бошқармаси бошлиғи ҳам, туман табиатни муҳофаза қилиш инспекцияси ходимлари ҳам бу масалани ҳал этишга қурблари етмаётган экан. Аҳвол шу тарзда давом этаверса, қурилиши тугалланмаган бинонинг ҳовлисида тоғ билан тенглашадиган ахлатхона "қад кўтаради" чоғи.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 1 май куни қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф-табиий муҳитни ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун тўловлар тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги қароридан ҳали кўпчилик маҳаллалар бехабар кўринади. Йўқса, Жума шаҳридаги темир йўл бекати ўтадиган йўл ёқасидаги уч қаватли уйнинг ёнига ахлатлар тўкилармиди?! Бўстон маҳалласи фуқаролар йиғини раиси балки ўша ахлатхона ёнидан тескари қараб ўтиб кетар. Лекин бу камчиликдан кўз юмолмаса керак. Бундай ҳолни Навоий номли маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ҳам учратиш мумкин. Чархин кўрғонидаги илгариги Балхиён автожамланмаси маъмурияти бундан беш-олти йил илгари янги қурилиш қилиш мақсадида ертўла (котлавон) қаздирган эди. Аслида у ерда кўп қаватли бино қад кўтариши режалаштирилганди. Афсуски, Самарқанд—Бухоро катта йўли ёқасида жойлашган бу ертўла ҳам сувга тўлиб, ён атрофи ахлатхонага айланди. Шу жойдаги маҳалла фуқаролар йиғини раҳбарлари ҳозиргача бу масалага эътиборсизлик билан қараб келишаётир. Айтаверсанг, дард кўп. Соғлиқ ҳаммага керак. Лекин уни таъминлаш учун экологик вазиятни ҳам тартибга солсак, нур устига аъло нур бўлар эди.

Ғайрат БОБОҚУЛОВ,
"Mahalla" мухбири.

Самарқанд вилояти

Олам турфа

АНТИҚА БОШҚАРУВ

Англияда вир қўл билан машина ҳайдашни яхши кўрадиганларни энди анча жиддий жазо чоралари кутади.

Йўл полицияси бундайларга 1000 фунт стерлинггача жарима солиши мумкин. Бундан ташқари ҳайдовчининг шахсий карточкасига "жарима" очкоси ёзилади. Ҳайдовчининг тўплаган очколари 12 тага етса, у маълум муддатга машина ҳайдаш ҳуқуқидан маҳрум этилади.

"БЕЛГИСИ" БОРДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Латвияда маст ҳолда автомобил ҳайдаган кишининг машинаси анча вақтгача белгили бўлиб юради. Бундай автомобилларга "П...ЛТ" деган алоҳида серия даги вақтинчалик рақам берилади.

Бу номер тақиб юрилган пайтда эски номер белгиси ДАНда туради. Бундай "тамға"ли автоҳаваскорнинг ҳайдовчилик гувоҳномаси олиб қўйилган бўлса, номер белгиланганидан икки баравар узоқ муддатда туради. Мабодо, гувоҳнома олинмай жарима тўланса, унда айбдор шу номер билан ўз машинасини икки йилгача ҳайдаб юради. Одамлар эса бу сериядаги машинани кўришлари билан янада эҳтиёткор бўладилар. Бунинг тарбиявий чораси анча яхши бўлмоқда. Эстонияда ҳам ичкилик ичган ишкибозларга қарши бу усулда кураш анчадан бери амалга оширилиб келинмоқда.

ЧИРОҚ ЎЧИРИЛМАЙДИ

Йўл-транспорт ҳодисалари ҳақидаги статистик маълумотларни ўрганиб чиққан ва қатор тажрибалар ўтказган швециялик тадқиқотчилар автомобил чироқларини кундузи ёқиб юриш автоҳалокатнинг олдини олиши мумкин экан, деган қарорга келдилар. Мутахассислар келтирган далиллар шунчалик ишончлики, энди полиция кўрсатмасига биноан машиналар сутка давомида чироқларини ўчиришмайди. Янги автомобилларда эса чироқ двигатель билан бирга ёниб, бирга ўчади.

ОҒИРЛИК МЕЗОНИ

"Кения эйруэйз" авиакомпанияси мутасаддилари учувчилар ва парт кузатувчилар учун махсус уст-бош яратдилар. Янги кийим авВалвисева насбатан иҳчам ва камматоҳ сарфланган.

Бундан ташқари борт кузатувчилар учун оғирликни қатъиян белгилаб қўйдилар. Масалан, уларнинг бўйи 157,5 сантиметрдан 183 сантиметр бўлиш билан бирга, вазни 62 килодан ошмаслиги керак ва камида икки хорижий тилни ўзлаштирган, шулардан бири, албатта, инглиз тили бўлиши шарт. Шунингдек, борт кузатувчиликка 21 дан 28 ёшгача бўлган, фақат дорилфунунни битирган ёки охирги курс талабалари қабул қилинади.

Вазнни чегаралашдан мақсад тайёрага кўпроқ йўловчи олишдир, дейишмоқда компания соҳиблари.

М.ИСЛОМОВА тайёрлади.

ҒУРУР

Ватаннинг кенглигин
кезсанг биласан,
Дунёга тенглигин
сезсанг биласан.
Пучмоқда ўтириб,
ёриққа қараб,
Ватандан гапириб
нима қиласан.
Ғурур деганлари
бўлар қаерда,
Дилдами, тилдами,
бошда, оёқда.
Бўлиши керакку
ахир бир ёқда,
Бўлиши керакдир
биз турган ерда!
Эҳтимол дарёга
қурилган кўприк,
Ватан ғуруруни
этмоқда кўрик.
Эҳтимол пойтахтда
Сенат биноси,
Ғурурдан иборат
меҳнат иншоси.
Эҳтимол кўрганлар
меҳнат ҳузурин,
Юракдан туйишар
Ватан ғурурин.
Ватан ғурури бу,
сўз эмас эрмак
Ватанни севиш бу
Яратиш демак.

Эркин ОХУНЖОНОВ

Тарихий тилсимлар

ҚИРҚҚИЗ ҚАЛЪАСИ

Қирққиз қалъаси — Сурхондарё вилоятининг қадимий шаҳарларидан бири бўлиб, Термиз шаҳридан тахминан олти километр узоқликда жойлашган меъморий ёдгорлик харобасидир. Қирққиз қалъаси худудида тарихчи ва қадимшунос олимларнинг олиб борган археологик қазиш ишлари ҳамда илмий изланишлари натижасида бу қадимий қалъа — Сарой эрамизнинг IX-X асрларига тааллуқли эканлиги аниқланган.

Афсус, қалъани ким қурдирган ва унда қайси бинокор усталар қатнашганлиги бугунги кунгача номаълум бўлиб қолмоқда. Ушбу Қалъа-Сарой қандай мақсадларга мўлжалланиб қурилганлигига келсак, қазиб ўрганган қадимшунос олимларимизнинг тахминларига кўра, бу тарихий қалъа илк ўрта асрда бойларнинг шаҳар ташқарисидаги Қурғон-Саройи бўлган экан. Катта савдо йўлида жойлашган бу қалъа орқали турли мамлакатлар, вилоятлар ва шаҳарлардан чиққан савдо карвонлари ўтиб, ёзнинг жазирама иссиғида мана шу маконда жон сақлаганлар, дам олишиб, яна ўз йўлларини давом эттирганлар.

Қалъа анъанавий Шарқ меъморчилиги услубида тўрт бурчак шаклида қурилган. Қалъа ва ундаги бинолар асосан хом ғиштдан қурилган бўлиб, сариқ тупроқ лой билан сувалган. Қалъанинг пойдевори ҳам хом ғиштдан мустаҳкам қилиб тикланган. Қалъа ичи деворларининг қалинлиги 1 метру 65 см. ни ташкил этади. Ташқи деворларининг қалинлиги эса 2 метру 40 см га етади. Қалъанинг олд томонига пишиқ ғишт терилган бўлиб, бу тўсатдан ташқи душман ҳужум қилишига қарши бўлиши ёки қандайдир безак, чирой учун ишлатилган бўлиши мумкин. Ишонч билан айтиш мумкинки, қалъа ташқи душманнинг ҳар қандай ҳужумларидан, айниқса йирик феодалларнинг ўзаро урушларидан ҳимоя қилишга мўлжаллаб қурилган.

Қалъа-Саройга тўрт томондан равоқ айвонли дарвозалардан кирилган ва бу дарвозалардан ўтилган йўлаклар ўртасидаги катта тўрт бурчак ҳовлида бирлашган. Айвон ва йўлаклар бинони тўрт тенг қисмга ажратган. Қалъа ўртасида ҳовли бўлиб, унда 50 га яқин умумий хоналар бўлган. Бу хоналар бир хил баландлик, шакл ва ўлчамда бўлиб, у ерга ташқи девор томонидан қилинган йўлак орқали кирилган.

Иморат 4 қисмдан иборат бўлиб, ҳар бўлимида икки қаватли тўғри бурчакли хоналари ва даҳлизлари, ўртада меҳмонхонаси бўлган. Ҳар бино олдида айвон ва бурчакларида 4 та минора бинони безаган. Хоналарнинг тепаси, асосан тақилар, баъзи хоналарнинг тепалари эса гумбаз қилиб беркитилган. Хона дарчалари йўлак дарчаси тўғрисига ўрнатилган. Йўлак дарчасидан тушган ёруғлик билан хона ёритилган, дарчалар деворнинг юқори қисмида бўлган. Қалъа ўртасидаги туйнуклар хоналарга ёруғликни яхши тушишига хизмат қилган. Нур тушадиган махсус тешиклар уйларни, хоналарни безашда ҳам катта рол ўйнаган. Уларнинг юқори қисми турли хил найзасимон, тўғри бурчакли, поғонали шаклларга эга бўлган. Ўша даврларда уй ва хоналарни токчали қилиб қуриш кўп жойларда одат тусига айланган.

Биз таърифлаётган гўзал Қирққиз қалъасида ҳам токчалар кўп ишлатилган бўлиб, уларнинг баландлиги 4-5 метрни ташкил этган ва бундай баланд токчалар уйларнинг, хоналарнинг безаги ҳисобланган.

Қирққиз қалъаси Ўрта аср Термизи деворидан ташқарида, унинг шимоли-шарқида XIX асргача Шаҳри Сомон деган жойда IX асрда бунёд этилган бўлиб, бу қадимий йирик феодал Қўрғони катта мулк эгасининг қароргоҳи — саройи бўлган. Бу нафис ва гўзал Қирққиз қалъаси бошқа қадимий бинолар сингари вақт ўтиши, эскириб қолиши, табиий офатлар, зилзилалар, ташқи ҳужумлар натижасида нураб харобага айланган. Айни бир вақтда ерости сувларининг таъсири билан ҳам Қирққиз қалъасидаги 50 га яқин бинолар аста-секин ўз қиёфасини йўқота борган.

Хароба ҳолига қарамай бу қалъа қолдиқлари ўзининг салобати, қурилиш услуби билан ҳали ҳам кишини ҳайратлантиради.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

МУНАЖЖИМЛАР ТАВСИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Мўлжалингиздаги ишларни бажаришга тезда киришмасангиз, катта имкониятларни бой берасиз. Бу моддий зарар ҳам кетириши мумкин.

СИГИР(22.04-20.05)
Анча асаббузарликлар эвазига бўлса ҳам зарур юмушларингизни битказишга муваффақ бўласиз. Дам олиш ҳақида ҳам унутманг.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Фаолиятингизнинг қай йўналишида бўлмасин муваффақиятларингиз гарови ишни тўғри ташкил эта олишингизга боғлиқ бўлади.

ҚИСКИЧБАҚА (22.06-22.07)
Сизга асосий фаолиятингиздан четга чиқмасликни маслаҳат берамиз. Акс ҳолда раҳбарият олдида изза бўлишингиз мумкин.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Турли кишилар сизга турли маълумотлар етказиши оқибатида бошингиз айланиб, каловланиб қолишингиз мумкин. Хушёрроқ бўлинг.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Фойдали бўлиши кутилаётган таклифлар ва режаларга синчков ва совуққонроқ муносабатда бўлсангиз, хато қилмайсиз.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Шу кунларда ҳаётингизда муҳим ўзгаришлар содир бўлиши эҳтимол. Бу ҳолатни тақдир тақозоси дея қабул қилганингиз маъқул.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Молиявий масалаларда бироз қийинчилик сезилади, лекин бу сабаб режаларингизни ўзгартиришингиз шарт эмас, одатдагидек яшанг.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Фаолиятингизда ва шахсий ҳаётингизда яқин ўтмишдаги кўнгилсиз воқеалар таъсири сезилиши мумкин, босиқроқ бўлинг.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Шу кунларда кутилмаган ҳолатлар ва вазиятларга тушиб қолишингиз, бундан моддий зарар кўришингиз ҳам мумкин.

ҚОВҒА (20.01-18.02)
Яқин кунларда ўз имкониятларингизни ҳисоб-китоб қилиб олиш учун қулай вазият бўлади. Режаларингизни хулосаларингиз белгилайди.

БАЛИҚ (19.02-20.03)
Меҳмондорчиликлардаги базму жамшидлардан ўзингизни тийолмасангиз, соғлиғингиз билан боғлиқ муаммолар бўлиши аниқ.

Маслаҳатчилар учун тадбир

ОИЛА

унинг мустаҳкамлиги кўп жиҳатдан аёлнинг маънавий баркамоллигига боғлиқ

Оиладаги муҳитни мўътадил сақлаб туриш аввало аёлга, унинг иқтидорига, бекалик ва оналик салоҳиятининг юксаклигига боғлиқдир. Агар аёл маънавий жиҳатдан баркамол бўлса унинг фарзандлари ҳам жамиятнинг зиёли ва илғор шахсларига айланади. Чунки фарзандга бериладиган тарбия онанинг руҳияти ва қалбидан етиб боради.



Оилани мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ёш авлодни эзгу ғоялар асосида юртига муносиб фарзандлар қилиб тарбиялаш каби бугунги куннинг асосий вазифаларига айлангани ҳам бежиз эмас. Бунга эришиш учун бирга аёлларнинг маданий дам олишларини ташкил этиш, уларнинг маърифий-маънавий савиясини юксалтириш учун уларга шароит яратиш ҳам муҳим омиллардир.

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси бу борада кенг миқёсдаги маърифий ва маданий ишларни амалга оширмоқда. Қўмита ташаббуси билан куни кеча Ўзбекистон Миллий Академик драма театрида намойиш этилаётган италян ёзувчиси Александр Касона қаламига мансуб бўлган "Дарахтлар тик туриб жон беради" спектаклига диний-маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчилари, маҳаллалардаги ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган оилалар вакиллари таклиф этилдилар.

Оилавий келишмовчиликлар моҳияти, ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги зиддиятли муносабатларнинг оқибатлари ҳамда оилавий муҳитнинг инсон ҳаёти ва руҳиятидаги ўрни хусусида баҳсли мунозараларни ўзида жамлаган, катта тарбия ва маънавий сабоқларга бой бўлган ушбу спектакл қизғин кутиб олинди.

Бундай маърифий тадбирлар кишилар руҳиятида маънавий баркамолликни таъминлаш билан бирга уларга оила муқаддаслигини англатади ва жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга хизмат қилади.

МУХБИРИМИЗ

Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.

* * *

Маҳаллада маслаҳатчи: у ким?

ҲАМДАРД, ФИКР, ҲАМКОР

Айни пайтда Қашқадарёда 427 нафар маҳалла диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолият кўрсатмоқда. Кўп ҳолларда улар аёлларга ҳамдард, ҳамфикр, ҳамкор бўлаётганликлари қувончлидир.

Бу лавозим жорий этилганлигига унча кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин шу кун талаблари асосида ташкил этилган ва бу вазифага малакали, ишбилармон, ғайратли кишилар тайинланган жойларда ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда. Кўпгина маҳаллаларда маслаҳатчилар ташаббуси билан янги иш ўринлари яратилиб, юзлаб хотин-қизлар лаёқатларига қараб иш билан таъминланмоқдалар. Натижада рўзғорларга барака кириб, турмуш шароитлари ўнгланаётир. Айрим маҳаллаларда турли тўгараклар очилиб аёлларга касб-ҳунар ўргатилаётган бўлса, имконияти бор қишлоқ жойларида маълум даражада ер ажратилиб, оила аъзолари деҳқончилик билан шуғулланаяптилар. Турли кўрик-танловлар, учрашувлар, кўнгил очар кечаларнинг ташкил этилиши қалбларга қувонч бахш этмоқда. Энг муҳими маслаҳатчилар тимсолида аёллар ўзларига яқин маслаҳатдош, дард-ҳасратларини тўкиб соладиган маслаҳатдош топа олдилар.

Вилоятда ўтказилган "Энг яхши диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи" кўрик-танлови қатнашчилари Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари, маҳалла тарихи, миллий қадриятлар, урф-одатлар бўйича куч синашиб, диний ўз лавозимлари бўйича билимларини намойиш этдилар. Унда Қарши туманидаги Лағмон маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Дилбар Ўринова биринчи ўринни эгаллаб, республика босқичига йўлланмани қўлга киритди. Китоб туманидаги Чармгар, Яккабоғ туманидаги Янгиобод маҳалла фуқаролар йиғинлари маслаҳатчилари Барнохон Ҳаққулова ҳамда Гулбаҳор Боқиевалар иккинчи ва учинчи ўринга сазовор бўлишди.

— Биз бу соҳада барча кутилган натижага эришаяпмиз, деган фикрдан йироқмиз, — дейди вилоят хотин-қизлар қўмитасининг раиси, вилоят ҳокимининг ўринбосари И.Каримова. — Аммо шу қисқа давр мобайнида маслаҳатчиларнинг ўз вазифаларини англаб, маҳаллага сингишиб, аёлларнинг ишончини қозониб улгуришганининг ўзи қувончлидир.

Э.ҚУРБОНОВ

Ёшлар ва ОАВ

„СЕЗАМ"НИНГ ЗАМОНАВИЙЛИГИ НИМАДА?!

Бу савол ушбу радиотўлқин ижодкорларига берилди

Яқинда "БУНЁДКОР" ёшлар телеклубида "Нодавлат FM радиоларида нутқ маданияти" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда "Наврўз", "Сезам", "Пойтахт", "Водий садоси", "Гранд", "Орият доно" каби нодавлат радиолари бошловчилари ва муҳаррирлари, журналистлар ҳамда талаба-ёшлар қатнашди.

Оммавий ахборот воситалари орасида радионинг ўз ўрни ва мавқеи бор. Бугун ҳар бир радиотўлқиннинг ўзига яраша аудиторияси бор. Радиотингловчиларнинг асосий қисмини ёшлар ташкил этишини ҳисобга олсак, айрим радиотўлқинлар ёшларимиз дунёқараши, дид-фаросати шаклланишига салбий таъсир кўрсатмоқда, дейиш мумкин. Чунки хусусий радио каналларида эфирга узатилаётган айрим дастурлар мазмуни, радиомулоқотлар, бошловчиларнинг тингловчилар билан суҳбатлари давомида нутқ маданиятига умуман риоя қилмайдилар. Ёшлар эса бошловчиларга кундалик ҳаётда кўр-кўрона тақлид қила бошлайдилар.

Ҳозиргача журналистлар ва мухлислар томонидан телевидение, радио ва матбуотда шу мавзу атрофида танқидий фикрлар билдирилмоқда. Бундай танқидий мулоҳазаларнинг аксарияти радио бошловчиларнинг билим савияси, муомала маданияти билан боғлиқдир. Ушбу тадбирда ҳам нодавлат FM радиолари фаолиятида кузатилган хато ва камчиликлар, бошловчиларнинг тил муомаласи, реклама тили ва услуби, қўшиқларни танлаш ва эфирга узатиш борасидаги камчиликлар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Айниқса, "Сезам" радиоси бошловчиларининг нутқ маданияти талабларига риоя қилмаслиги, радио мулоқотга уланган мухлисларга беписанларча муносабатда бўлиши, тез-тез "кўча сўзлар"дан фойдаланиши, ҳатто сўкиниши таъкидланиб, тадбирда иштирок этаётган радиотўлқин хизматчиларига кўплаб саволлар берилди. "Сезам"чилар бу ҳолатни ушбу нодавлат радио каналнинг замонавийлиги ва бошқа радиолардан ажралиб туриши учун шундай услубдан фойдаланилаётгани билан изоҳлашди. Албатта, радиоэфирда сўкинишни замонавийликка йўйиш ноўрин, бошқалардан дидсизлик ва одобсизлиги билан ажралиб туриш ҳар қандай оммавий ахборот воситаси учун ножўя эмасми?!

Ҳарқалай ушбу баҳс-мунозараларга бой бўлган тадбирнинг самараси хусусий радиотўлқинлар фаолиятида акс этса ажабмас. Бу каби тадбирларнинг давомийлиги хусусий радиотўлқинлар тараққиётига хизмат қилиши эса аниқ гап.

Нигора АБДУЛЛАЕВА

Ўрта Чирчиқ туманидаги 53-мактаб томонидан Айимбетов Бекзод Абдувосидович номига берилган 0461805 рақамли умумий таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 13-мактаб томонидан 1976 йили Акбарова Маҳират Шакаримовна номига берилган сериясиз 011187 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 46-ҳунар-техника билим юрти томонидан 1996 йил 6 июлда Абидова Нилуфар Анваровна номига берилган АУ 077109 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, Маҳалла жамғармаси республика бошқаруви бошқарувнинг бош ҳисобчиси Махфират Қулматовага турмуш ўртоғи **Абдушукур ҚУЛМАТОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Mahalla
Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Мавлуда ҚОСИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Бехбуд ЖУМАЕВ, Таъҳаберди ҚУРБОНОВ, Абдулқодир ҲАЙИТМЕТОВ.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

9560 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-322
1 2 3 4 5
Топширилди —